



«Энг гўзал тартил» мусобакасининг биринчи боскичи иккинчи август куни Араб Амирликлари Рамазония олтинчи фестивалида бошланди.

Араб Амирликларида чикадиган «Ал Иттиход» газетаси олиб хабар беришича, Араб Амирликларининг Рамазония фестивали бу мамлакат Мерос жамиятининг ташаббуси билан Абу Даби амфитеатрида бўлиб ўтмоқда ва 2 август куни ушбу фестивал «Энг гўзал тартил» мусобакасининг биринчи боскичи бошланди.

Эркаклар орасида ўтказиладиган ушбу мусобака ёшларни Куръони Карим кироати, хифзи ва тажвидини ўрганишга тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган.

Араб Амирликлари «Энг гўзал тартил» мусобакасининг ташкилий кўмитаси мазкур мусобакада иштирок этиш учун алоҳида шартларни белгилаган ва бу шартларга мувофиқ иштирокчиларнинг ёши ўттиздан ошмаган бўлиши даркор.